

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 164 (9.967)

2003 ЙИЛ 21 АВГУСТ

**Пойтахтнинг
дир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

**Қисқа
сатрларда**

- **ЭРТАГА** Халқлар дўстлиги саройида ёш истеъодлар учун таъсис этилган «Ниҳол — 2003» мукофоти ўз эгаларига топширилади.
- **ЭРТАГА** Юнусобод туман ҳокимлигида «Матнавийат ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлимининг таъаббуси билан тумандаги мактабгача таълим муассасалари мударалари, мактаблар директорлари, директорларнинг ўқув тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари учун аъънавий август кенгаши бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Чирчиқ шаҳридаги харбий қисмда сафарбарлик чакирбуи резерви хизматчилари учун ташкил қилинган давра суҳбати «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларимиз ҳаётида тутган ўрни, ташкилотнинг мустақил армиямиз билан ҳамкорлиги мавзусига бағишланди.
- **РЕСПУБЛИКА** марказий банкда банклар ходимлари иштирокида уюштирилган тадбир «Банк сири» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳофазасига бағишланди.
- **ҲАМЗА** туманидаги «Журабек» маҳалласида Бадий академиянинг аъзоси, ҳайкалтарош Гулсара Ёқубова таъаббуси билан меҳрга ташна, ногирон болажонларга рассомлик, ҳайкалтарошлик сирларини ўргатувчи янги марказ фаолият бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Куйидаги тартиб белгилансин, унга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда:

биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши; иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланади.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) ташкил этилсин. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

2003 йил 1 октябрда Инспекцияларни шакллантиришни тугалласинлар ва улар учун зарур шароитлар яратилишини таъминласинлар;

Инспекциялар самарали фаолият кўрсатиши, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократия ва сансалорлик ҳолларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Куйидагилар янги ташкил этилаётган Инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаётган ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, ка-

нализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш, турар-жойлари нотурар-жой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун, шунингдек, муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишилладиган ва рухсат олинмаган тегишли ташкилотларни аниқлаш;

юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш, реестрни юритиш, шунингдек, уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш;

ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ариза берилган санадан бошлаб тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишга бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мурракаблигини ва ҳажмининг ҳисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача белгиланади.

5. Куйидагилар:
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом;

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун объектлар қурилиши учун ер участкаларининг, тадбиркорлар талабини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда ким ошди савдоларига қўйишни амалиётда қўлласинлар.

(Давоми 2-бетда).

XXI саҳоси
Барча маълумотлардан
олинган суғитга хабарлар

Мамлакатимизда

- Кеча Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ўтказилган йиғилишида янги таҳриридаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳақида сўз борди ва бошқа масалалар муҳофиза қилинди.
- «Росси СА» Ўзбекистон — Россия — Болгария қўшма корхонасида печенёларни ишлаб чиқариш бўйича янги линия ишга туширилди. Қувончлиси шундаки, қандолатчилар ўз янги маҳсулотларини айнан Мустақиллик байрами арафасида ишлаб чиқаришади.
- Эртага «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши таъаббуси билан «Истиқлол қизлари — юрт истиқлоли» деб номланган икtidорли қизлар анжумани ўтказилади.
- Бухоро вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига дахлдор идоралар, туман ҳокимлари, фермерлар иштирокида вилоятда фермерликни ривожлантиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Республика Миллий Матбуот марказида Фарбий Тянь-Шань тоғлари хилма-хиллигини асраш бўйича Марказий Осиё чегараларо лойиҳаси фаолиятига бағишлаб давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.
- «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида тез орада сув саклаш қистерналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Жаҳонда

- Либерия ҳукумати ва қўзғолончиларнинг икки гуруҳи ўртасида 14 йилдан бери давом этиб келаётган тўқнашуларга барҳам бериш юзасидан Ганада ўзаро тинчлик битими имзоланди.
- Тинч океанининг Узок Шарқдаги ҳудудида Россия, АҚШ, Япония ва Жанубий Корея харбий денгиз ҳамда савдо флотига қарашли денгиз кутқаруви хизматининг ҳамкорлиқдаги халқаро ўқув харбий машғулоты бошланди.
- Фаластинлик террорчи-камикадзе Қуддус шаҳрида йўловчилар билан лик тўла автобусда ўзини портлатиб юборди. Маълумотларга кўра фожеа оқибатида 20 киши ҳалок бўлган, 130 йўловчи жароҳатланган.
- Чеченистондаги федерал кучлар Раиса Ганиева исми аёл ёрдамида Шомил Басаев томонидан тузилган шаҳидлар отряди сирини фоти эттиди.
- Нидерландиянинг Влссинген шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича халқаро аъънавий турнирда ҳамюртимиз Рустам Қосимжон барча рақибларини доғда қолдирган ҳолда мусобақа голиби бўлди.

Амалий анжуман

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган устувор вазифалар ва қондаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-матрифий тадбирлар дастурига мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - УЗА, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан «Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва прокуорлик назоратини такомиллаштириш муаммолари» мавзуда семинар ўтказилди.

Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу анжуманда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички

ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этиди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентим — боғу бўстоним



Ўсимликлар яхши ривожланиши учун қандай озуқа моддалари зарур? Улар таркиби шаклланиши ва кейинчалик тақсимланиши жараёни қандай ўтади? Шу каби саволлар бир қарашда олдин туюлиши мумкин, лекин аслида ҳаммамиз ҳам ўсимликлар дунёсида озуқаланиши ҳаракати қандай кечини ҳақида кўп ҳам маълумотга эга эмасмиз. Биллиб қўйиш эса фойдалан ҳоли бўлмайд.

(Давоми 6-бетда).

Амалий анжуман

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда Конституциявий суд судьяси С.Ҳақимова, Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳмадов, Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси бошлиғи А.Шарафуддинов, Олий суд ҳарбий ҳайъати раиси вази фасини бажарувчи Х.Ҳасанов, Олий ҳўжалик суди раиси ўринбосари Ш.Рўзназаров, «Хуқуқ» газетасининг бош муҳаррири А.Абдураззоқовнинг маърузалари тингланди.

Тадбирда мамлакатимизда ўтказилаётган суд-хуқуқ ислоҳоти, давлат органлари тизимида қонушларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган — прокуратуранинг тутган ўрни, ҳозирги даврда прокурорлик назоратининг самарадорлигини ошириш, хуқуқий асосини янада такомиллаштириш, хуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини ўз вақтида хабардор қилишни ташкил этишга оид масалалар ва уларнинг ечими хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда билдирилган фикр ва таклифларда прокуратура фаолиятининг хуқуқий асосини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида назарда тутилган ҳар бир шахсининг ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш хуқуқини амалга оширишни реал таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг суриштириш, терговчи, прокурорнинг гайриқонуний қарор ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Жиноят-процессуал кодексини тезкор қидирув фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда прокурорлик назоратининг предмети, ваколатлари билан тўлдириш, суд ишларини юритишда тарафларнинг ўзаро мунозара принципини реал таъминлаш мақсадида прокурорнинг судда қўриладиган барча жиноят ишларида иштироки шартлигини тегишли қонунларда қонуний мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Анжуманда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова иштирок этди.

Бехўд НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда шахар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низоми бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; рўйхатдан ўтказиш ва рўхсат бериш ҳужжатларини расмийлаштиришнинг белгиланган тартибига сўзсиз риоя қилиниши устидан зарур назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзтелефрадио» компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари ушбу қарор қондаларини республикадаги барча тадбиркорлар кенг қатламларига етказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рўхсат берувчи ҳужжатларнинг расмийлаштириш масалаларини тартибга солуви идоравий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсинлар.

10. Куйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарорининг «Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда) 1-банди, 2-банднинг иккинчи-бешинчи хат бошилари, 3 ва 4-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига 2-илованинг 12-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил, 20 август

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!



ОЗОДЛИК МАФРУР ЖАРАНГЛАР

— Бадиа —

Сўзликларимизда Она, Ватан, муҳаббат каби сўзлар бор. Уларнинг товуши, ҳарфида бошқа сўзларга ўхшашлик бўлса-да моҳияти, табиати бўлакча. Шунинг учун она деганда, Ватан, муҳаббат сўзларини тилга олганда, ё ёзганда, ҳатто эшитганда ҳам киши кўнглига ёруғлик, ҳарорат қуюлади. Озодлик ҳам худди шундай суврати, сийрати, жасорати жон-жонимизга туташ сўз.

Ватан озодлиги, Ўзбекистон озодлиги десак-чи, фақат нур ё ҳароратга эмас, тенгсиз бир қудратга ҳам боғлангандай бўламиз. Шунинг учун — ўзимизни яна ҳам кучли ҳис қилиш учун — Ватанимиз озодликка эришганига 12 йил бўляпти, деган жумлани қайта-қайта айтгимиз, баландларга — кўринарли жойларга ёзимиз келади. Шу кайфиятда устоз Фафур Фуломнинг машҳур сатрларини бот-бот эсламан:

**Шодлик қўшини босди саодат қўчасини,
Болалар жаранглик ҳайлиқ тангасини,
Келинчақлар ахтарар пардоз кутчасини,
Қирқ кокил бўлсин дейди, кистайди янгасини,
Бугун чин арафадир.**

Академик шоиримиз бутунлай бошқа бир арафа қувончи билан ёзгандир бу сатрларни. Аммо менинг назаримда, Мустақиллик йилларида Тошкентимизда қурилган кенг йўллар, хиёбонлар, ўқув даргоҳларининг нақшлари, даракхатлари, майсалари ҳам: «Бугун чин арафадир», деб такрорлаётганга ўхшайди. Ҳа, улуғ, азиз байрам яқин.

Озодлигимиз мучал ёшига етмади. 12 ёш инсон умридаги биринчи мучал.

Бу ёшга етгунча, гўдакнинг сыягини қотиргунча, той-той туриб, сўнгра юриб кетгунча, оқ-қорани танигунча унинг яқинлари, уни севганлар, соғиниб кутганлар, унинг ҳаётига ўзини масъул билганлар озмунча югуриб-елдиларми? Жонидан жой узадилар. Сўнг эса унга: «Энди 12га кирдинг, сенга ишонамиз», дея чиройли либослар кийдирадилар.

Ватан озодлиги! Бизнинг либосимиз — меҳр-муҳаббатимиз, сенинг бўйларинг жон-жисмингга етармикан, кичиклик қилмасмикан?

Тошкентимиз — юртимиз юраги — муҳаббатимиз аввали сиз аслида. Ҳолбуки, Тошкентимиз бу меҳрдан ҳеч қачон айро бўлмаган. Собит, ўз нуктаи назаридида қатъиятли, улкан тарихчи олимимиз Хамид Зиёевнинг: «Туркистонда Россия таговузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» асаридан ўқиймиз: «Шаҳар аҳлининг 7 ёшдан 70 ёшигача эркак-хотин, ёшқариси хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кўтариб, қатик, сут, шарбат, иссиқ нонлар ва ширин меваларни саватларга солиб, гоziллар ва мужоҳидлар турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшлар

рини оқизиб, кўз ёшлари билан гоziллар ва мужоҳидлар юзларидаги чангу губорларини ювиб, артиб кўзгудек тозалаб (келтирилган нарсаларни) еб битиришларини илтижо қилдилар».

Ўқиганимиздай ҳамшаҳарларимиз Тошкентни босқинчилардан ҳимоя қилаётган курашчиларга ўз гўдакларни ризқидан қийиб, ёғдиқлар олиб чиқилган. Маҳдор, мадад бўлишган.

Тарихларда бундай вақеалар жуда кўп. Шунча кураш, голиблик, мағлублик қувончу гаиларидан сўнг бизга насиб этган Ватан истиқлоли ҳақида гап кетганда баъзан: «Нима берди?» деб сўраб ҳам қўядилар. Бу савол қалбга бироз малол келсада, айнан шу арафа кунларида эришган, интилиб етганларимизнинг қадди, қадрини кўз-кўзлаш, баъзан ўзимизнинг ҳам ризқимизга бу ёғдиқлар олиб чиқилган тўғайли тушган чандиқларга малҳам топилш учун айтгимиз келади.

—Истиқлолгача ҳам Ватан тарихига қизиқишлар катта бўлган. Аммо тарих — ҳукмрон сиёсатга хизматчи қилиб қўйилган. Архивлар эшиги берк эди. Мустақилликдан сўнг бизга энг аввало архивлар очилди, —дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти директори, тарих фанлари доктори Дилором Алимова. —Аваллари 50 ёшдан кейингина докторлик ишига ҳаракат қилиш мумкин эди. Ёшроқларга ишонсиз қарашарди. Натияжада, 60-70 ёшда фан доктори бўлган олимларнинг кўпи ҳосил беролмай қоларди, чарчарди.

Бунинг устига хорижга бизга йўл йўқ эди. Таклифномалар келса, кечикиб, конвентлар очилиб келарди.

Илмга, тарихга янгича муносабат аслинасли тошкентлик бўлган Дилором Алимованинг шахсий ҳаётида ҳам, меҳнат фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар қилди. У мустақиллик йиллари докторлик диссертациясини ёқлади, 4-5 та илмий асарлар чоп этди, хориж минбарларида ўзбек олимаси вакиласи сифатида нутқлар сўзлади. У бош бўлган институтда ўттиз ёшдан ўтиб, фан доктори даражасига эришаётган илм кишилари бор.

—Дадам раҳматлини жуда иқтидорли бўлганликлари учун ўттизинчи йилларда Россиянинг Иваново губерниясининг Шуя шаҳрига тўқимачилик саноатини ўрганиш учун юборганлар, —дея хикоя қилади Дилором Алимова.

Аммо Аъзам Алимов малака ошириб қайтач, унга кун бермайдилар. Тергов, сургун, бадарга...

Миллатимизга жуда кўп фойдали ишлар қилиши мумкин бўлган сергайрат, иродали инсон ҳаётидан кўнгли тўлмай, меҳнат қила олмай бу дунёдан кетди.

Фақат мустақиллик унинг авлодларига истеъдодига яраша фаолият кўрсатишга имкон берди.

Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. —Мустақиллик меҳнатга, меҳнаткашга бўлган муносабатини ҳам ўзгартирди, —дейди пойтахтнинг Бешёғоч даҳасида жойлашган «Жўрабек лабораторияси

ЛТД» қўшма корхонаси раҳбари Мунира Қориева.

Муниранинг дадалари Жўрабек ака бир умр мана шу даҳада дорихонада ишлаган. Ишбилармон, хурматли инсон эди. Аммо у давлатнинг белгилаб берган шtatидан ташқари битта анги ишчи ўрин яратмаган. Ўз-ўзинча бирон юрт, бирор дори компаниялари билан муносабат қилишга йўл тополмаган.

Мунира Қориева эса дори-дармон ишлаб чиқариш заводини кенгайтирди. Ўнлаб ишчи ўринлари очди. Польша, Хиндистон каби шарқу гарб давлатлари билан алоқа боғлади. Қаршилиқ қуввати хориж дориларга тенг, аммо нархи анча арзон дорилар ишлаб чиқара бошлади. Айни кунларда — Истиқлол байрами арафасида — йилга 10 миллион дона флакон ва 22 миллион дона ампула ишлаб чиқариш қуввати тенг янги цехларни ишга туширишга тайёргарлик кетмоқда.

Ёшларга муносабат, санъатга, спортга муносабат — ҳаётнинг қай жабахасига кўз солсак, озодликнинг кучидан белги берувчи, одамни қувонгча, ишонгча тўлдирувчи янгилик, яхшиликлар сафини ҳис этамиз.

Наргиза Файзиёва мактаб ўқувчиларида келган эди олдимга, камгап, тиришқоқ қиз.

—Қизим шеърлар машқ қилади. Ҳамма ишчи фақат зўр, зар ҳал қилади, истеъдод шунчаки гап, —деятпи одамлар, биз оддий оиламиз,—деди онаси.

Мен унинг машқларини кўрдим, ўзи билан суҳбатлашдим.

—Юнусободда турар экансизлар, тахрирятларга унча узоқ эмас, транспорт яхши катнайдди. Ойингчи овра қилма, ўзинг келавер, фақат ўзингча ишон, —дедим.

Наргиза ўзига ишонди. Ҳа кучи билан Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейига ўқишга кирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ҳам машқларини олиб ўзи борди. Китобча чоп этди. Бугун астойдил илос билан институт талабалигига ҳзирланаяпти.

...Мен энгил шабадада ҳилпираётган ой-юлдузли байроғимиз, байрамга ясанаятган кўча-хиёбонларимизга такрор-такрор ички бир меҳр билан термудар эканман тадбирга Истиклол неъматлари сизинган Дилором, Мунира, Наргиза каби қанча опа-сингилларим ҳаёлга қайди. Ва биналар пештоқидаги «12» рақами яна ҳам улканлашиб бораётгандай туюлади.

Қадим Шошни оғир—енгил кунлариди ҳам бирдай катта муҳаббат билан севган шоирга — Фафур Фуломга мен ҳам жўр бўлгим келади:

**Шодлик қўшини кезар саодат йўллариди,
Майсалар кўкламоқда кўнглимиз қўллариди,
Умид суврати бордир озодлик гуллариди,
Ватан, миллат тақдири шу элнинг қўллариди.
Бугун чин арафадир. —
Кутлибека РАҲИМБОВА**

Истиқлол тароналари



ОНА ЮРТ ИЛҲОМЛАРИ



Саъдулла Ҳақим шеърлари танти самимияти, оламни ўзига хос идрок этиши, кутилмаган яқунлари ва фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Уларда она-Ватан табиати, муҳаббат тароналари, халқимизнинг ўзбекона бетакрор фазилатлари таъсирчан образлар, гўзал манзаралар, ажиб шеърӣ ифодаларда завқ-шавқ билан тараннум этилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Саъдулла Ҳақим шеърӣят ихлосмандларига «Ҳамал тонглари», «Сен кутган баҳор», «Ёз оқшоми», «Она сўз», «Сайланма» асарлари билан яхши таниш. Куйида эътиборингизга шоирнинг янги шеърларини ҳавола этаймиз.

Саъдулла ҲАКИМ

БАТАНГА
МАНСУБЛИК

Баноғоҳ чўққидан
қуласа бир тош
Тоғ пойиға тушар,
тоғни тарк этмас.
Эт билан тирноқдек
бир жону бир тап
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Кўёшга интилган
ҳавойи буглар
Баланд парвозларни
қилса ҳам ҳавас
Бир кун қайтиб
келар ўқиб-йўлаб,
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Шашмақом —
минг йиллик наво муаттар,
Очсам кўхайимни янгар
қадим сас.
Авлодлар туғилар,
ажодлар ўтар,
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Улуғлар юксалар ер
остиди ҳам,
Ҳайкал бўлиб ўсар,
эли унутмас.
Шаҳидлар боғидан
кўйлаб ўтаман:
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Тошдан учган учқун
ялт этиб учар,
Учган чўғ қайта
ўз ҳолига келмас.
Чопонинг силқисанг
губори кўчар,
Ватандан тўқилган
Ватандан эмас!

БОЛАЛИК ЁДИ

Ёз фасли. Пешин чоғи.
Хуш ифор. Ҳаво нововот.
Паҳса девор ёқалаб
Етақлаб бораман от.

Баланд-баландда тўрғай,
Кўёш тўрқовоқ гўё.
Тўрғайнинг тумиғидан
Таралар жаранг наво.

Тор кўчани тўлдириб
Оқади олма исн.
Олмасордан кўчага
Тўқилар қиз кулгиси.

Тирмашаман деворга,
От кўяр елкасини.
Олмасини ислайман
Боғбоннинг эркасини.

Ногоҳ сергак боғбон чол
Боғ тинчини бузади.
Қарсиллашиб шийпонда
Оғзидан ўқ узади.

Сақрайман девор оша,
Елкасин тутар йўрга.
Кўёш ичимда ёнар,
Кўксимда сайрар тўрғай.

...Қамчи босаман отга,
Қайтаман завққа тўлиб:
Юрагим бўлиб икки,
Оёғим олти бўлиб.

БОЛА БОТИР

Олам олам бўлиб тирик
Неча аср, неча йил
Кўрмаганди бундай тиниқ,
Нур ёғилган кечани.

Майин елар қанотида
Тўлқин-тўлқин оқар нур.
Чигирткалар чилдираги
Жаранглайди мисли дур.

Маст қилгувчи шувоқ исн
Димоқларни ёради.
Бола Ботир дала йўлда
От ўйнатиб боради.

Ногоҳ кўзи тушар, шундоқ
Йўл бўйида бир нари
Ишва қилар, тақимини
Ўпиб тилло сочлари.

Қаптар сийна, чумоли бел,
Кўза қуймиш, оқбадан.
Кўрсатса шу Лайли дед,
Мажнун кечар саҳродан.

Чўмич-чўмич мой симирган
Бобичанинг бой қизи.
Бу дунёдан эмас чиндан,
Асли ойнинг ой қизи.

Пишқирар от юрари-ю
Юрмасини билмайин.
Ҳайратидан хонш қилар
Ойга қараб жилмайиб.

Отдан тушар Бола Ботир
Ой нурига осилиб.
Ойнарининг сийнасига
Аста кўяр бошини.

Эҳтиросдан ихтиёри
Кетар мамон илқидан.
Тангачалик эҳсон тилар
Нозанининг мулкидан.

«— Бўлди, энди ўзингни тий,
Кўлингни торт, шўх йиғит.
Мен тулкиман, бу ишни кўй,
Унут мени, бас, унут!».

Ойнарининг нолишлари
Қулоғига кирмайди.
Қаҳ-қаҳ урар Бола Ботир
Аҳдидан юз бурмайди:

«— Ҳийла қилиб аврама, бас,
Мендай йиғит мардини.
Ишқ тимсоли бўлиб, ўзинг
Билмасмисан шартини?»

Майли, агар тулки бўлсанг
Мен ҳам тулки бўлайин.
Гул юзингдан фақат яна
Битта муччи олайин».

«— Бола Ботир, ўзингдан кўр,
Ёш жонингга қасд қилдинг.
Мен тулкиман, ахир, мени
Нега бунча маст қилдинг?».

Битта бўлар еру осмон,
Жону тан бир, руҳу қалб.
Ой булоғи тошар ногоҳ,
Шарарадек шарқираб.

Сапчиб турар эгасиз от
Билмай бу ҳол сирини:
Теграсида икки тулки
Қувлашар бир-бирини.

...Олам олам бўлиб тирик
Неча аср, неча йил
Кўрмаганди бундай тиниқ,
Нур ёғилган кечани!

ШУ ГЎЗАЛ БОҒ
ИЧИНДА

Бамисли жавҳару
зар тоғ ичинда,
Моҳият нарсанинг
шундоқ ичинда.

Тафаккур дур каби
ноблигидан
Мудом тутмиш макон
чапоқ ичинда.

Ясаб тош тахтадан
мўъжаз иморат
Мағиз қадри баланд
ёнғоқ ичинда.

Очар яроқ ичинда лола
рухсор,
Муҳаббат лаззати
ардоқ ичинда.

Сенинг асли тилинг, ай ёр,
шириндир,
Садафдан қўрғони дудоқ
ичинда.

Қабоқ устида қолмиш қош,
сабабким
Қароғ — кўз гавҳари қабоқ
ичинда.

Азал ҳукмин, аё, ҳар
лахза ёд эт,
Азиздир жон қазо —
сиртмоқ ичинда.

Униш бордир, яшаш бор,
яшарим бор,
Сўлиш бордир гўзал гул
боғ ичинда.

Мурод шу, қолдириб бир
майса яшноқ,
Моҳият касб айламоқ
тупроқ ичинда.

КЕЛИНЧАК

Келинчакнинг атрофида
Ноз талашар атирлар.
Келинчакнинг табрифида
Сўз талашар сатрлар.

Келинчакка қилиб ҳавас,
Куйиб, икки бўлиниб,
Чимилдиққа қирар ҳилол
Кўз устида қош бўлиб.

Майда босиб қўйса қадам
Гулшан аро келинчак,
Кўш исирға қулоғида
Яйраб учар ҳалинчак.

Келинчакнинг сандиғида
Тоза либос, матолар
Қоматиға бўлиб шайдо
Йиллаб кута ётарлар.

Чимилдиқни қўримоқни
Хуш кўради момолар.
Чимилдиққа кирганини
Туш кўради момолар:

«Ярқирайди оломс қилич,
Нури тушар қалқонга.
Чимилдиқ ҳам тор келди-ку
Алпомишдай алпонга.

Парвозга шай кабутардай
Қанот қоқиб, таланиб,
Кўксига бош кўяр Барчин
Сайлагани — алапини».

Дунё сирли. Дунё гўзал.
Туш тугамас. Тун ўтар.
Эҳ, момолар... гарқ уйқуда
Икки ёшни унутар.

...Келинчакнинг гул юзидан
Муччи узиб, виқор-ла
Тонгда чиқиб кетар кўёв,
Дунё тўлар ифторга!

БЕДИЛОНА

Баҳодиржонга
Ҳавойи сўз эмас сукут,
андиша,
Тойса тилдан тояр
одам ҳамиша.
Бўшатиб бир четга
отмас эдилар
Оғзини очмаса май
тўла ишша.

ОНАИЗОР

Онаизор юзга кириб кўз юмди,
Кўкни тутди
фарзандларин поласи.
Эрта ташлаб кетдингиз,
деб бўзларди
Олпоқ сочли саксё. ёшли
боласи!

ГУЛҲАН

Гуриллайди гулхан —
оташ ўрдаси,
Забтидан сесканар
одамининг эти.
Кўкка ҳамла қилар олов
ўртаси,
Четидан оғоҳ бўл,
куйдирар чети.

ҲАВАС

Иштонсиз иштонин
йиртиққа кулар,
Йўрмалаб ўтирма
йиртигингни, бас.
Не тонг, аҳволи танг
ўша кимсалар
Йиртиқ иштонингни
қилсалар ҳавас.

УМР ФАСЛИ

Ёшлик бошқа экан,
йиғитлик бошқа,
Энди тор кўрнар аввал
кенг йўлак.
Яшардим ўз кайфим зайлида,
энди
Дардим кўп ўзимнинг
дардимдан бўлак.

ЭЛ ҲИҚМАТИ

Эл кезиб топганим бу,
элимга хос,
Бир ипга маржон каби
тиздим, хос:
Отлиқ билан чопишар
от кўрмаган,
Ёвуқ билан ёвлашар
ёт кўрмаган.

МЎЪЖИЗА

Магар эчки одам бўлибди
десанг,
Эшитган оғзингга уради:
«Пуч гап!».
Лекин, таассуфки,
ҳаётда баъзан
Одамнинг эчкиси туради
учраб!

МАШРАБ

Шодлиги офтобча,
тунда дарди чўнг
Дунё тилсимотдир, тўла
асрорга.
Мингта дордан қочган
шудардан сўнг,
Машрабдек бир шоир тик
борар дорга.

ҲАЖ ИБОДАТИ

Туркийдурсан, форсийдурсан ё
ҳабаш,
Ибодатдан дилда ўзга
йўқ ҳавас,
Либосингни бир кийимдан
қилулар,
Ҳақ каломин билуригдан
билулар.

ЭЙ ИНСОН

Ёяр оптоқ пояндоз осмон,
Бошингга ер тутар соябон.
Мен ҳам ерни кўтар
бошингга,
Осмонингга сажда қил инсон!

«КЕТМОНЧИ»
ДЎСТ

Билишимча,
Белкуракни кўрмайсан хуш,
Аррани ҳам. Билганингдан
майли, қолма.
Не бўлса ҳам, эҳтиёт бўл,
«кетмончи» дўст,
Қизиқ усти, ўз оёғинг
чопиб олма!

Пойтахтимизда аҳолиси сон жиҳатдан энг кўп маҳаллалардан бири Мирзо Улугбек туманидаги «Шахриобод» маҳалласидир. Ушбу маҳалла ўрнида бир пайтлар қамишзорлар бўлган. Лекин 1966 йилда рўй берган табиий офат — зилзиладан сўнг қалин қамишзорлар ўрнида кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Маҳаллага «Шахриобод» номи бундан ўн йил муқаддам берилган. Ҳозирда бу гўшада қарийб 11000 га яқин киши тинч-осуда ҳаёт кечирямоқда. Улар орасида йигирма икки миллат вакиллари бор.

— Ушбу маҳалланинг ўзи хос томони шундаки, бу ерда турли миллат вакиллари истиқомат қилади, — дейди 96-сонли милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция капитани Холбек Халтаев. — Албатта, кўпчилик билан ишлаш кишидан ўзига хос касбий муҳоратини талаб қилиши шубҳасиз. Шундай экан уларнинг орасига кириб бориш, ҳар бир миллат вакилининг ўзига хос урф-одатлари орқали улар билан яқиндан мулоқот ўрнатиши талаб этади. Қолаверса, биз инспектор Музаффар Солиқов билан бу ҳудудда иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Аҳоли билан яқин муносабат ўрнатишимизда 34-сонли «Шахриобод» маҳалласида анча йиллардан буён оқсоқол сифатида фаолият кўрсатаётган Сайфулла Халилов, хотин-

қизлар комиссиясининг раиси Хосият Зокиржонова, сардорлар Омон Оллоберганов, Руслан Собиров, Жаҳонгир Халилов, Саид Бенгенжов, Тоҳир Аллаберганов, Тоҳир Муҳамедовлар бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Олдимиздаги бош мақсад ҳудудда тинч-осойишта ҳаётни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда вояга етмаганлар муҳим жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишдир. Айна чоғда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ёшлар билан тез-тез профилактик суҳбатлар олиб боришимиз. Шу сабабдан ҳам ҳудудимизда жойлашган 187-мактабда, 403,

309-боғчаларда ҳамда Тошкент Давлат маданият институтида ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тадбирлар тез-тез уюштириломоқда.

«Шахриобод»да бир кун

Маҳалла асрлар силсиласидан бизнинг давримизга қадар этиб келган ва ҳамма қолажақ бо-бомерфе анъаналаримиз, урф-одатларимизни замон билан ҳамнафас ҳолда келажақ авлодга боғловчи кўприкдир. Маҳалла ҳаётининг янада гуллаб-яшнаши, обод ва файзли гўшага айланишига тадбиркорлик инспекторлари ҳамда маҳалла фаолларининг ҳамкорликда фаолият юритишлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг билан «Шахриобод» маҳалласидаги 96-таянч пункти инспекторлари ва маҳалла фаолларининг иш фаолиятида кўриб амин бўлди.

Гулчехра САЙИДМУРДОВА

АНЖУМАНЛАР Эсдалик совғалари топширилди

Тарихга назар ташласак, қадимда доно ва оқила аёллар кўпчилик ҳолларда давлат бошлиқлари ёнида туриб, вазирлик қилганлар, улар ўзларининг ақли маслаҳатлари билан халқ оғирини енгиб қилишга, раият аҳолини осонлаштиришга уринганлар. Бундай оқила аёллар ўз донолиги билан дунёни лол қилдирганлар. Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар отинларнинг давомчилири ҳисобланган бугунги кун аёлининг вазибалари ҳам салмоқлидир.

Бир қўли билан бешикни, яна бири билан дунёни тебратишга қодир аёлларнинг айна пайтда ҳар соҳада ўзиб бораётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда тадбиркор, шифокор, прокурор, иқтисодчи, сиёсатчи, журналист аёлларнинг диққатга сазовор ишларини ҳар қаламда кузатишимиз мумкин. Мустақиллик инъом этган бахт эса хотин-қизларимиз ҳуқуқлари имкониятларини янада кенгайтирди, уларга ҳар томонлама самарали фаолият олиб боришларида кенг шароитлар яратди.

Яқинда Чилонзор туманидаги «1-Чарх Камолон» маҳалла гузарига туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Мустақиллик ўзбек аёллари тақдирини» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар ҳам истиқлол берган имкониятларга бағишланди.

Семинарда иштирок этган Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, педагогика фанлари номзоди, доцент Муаттар Солиқова, Республика Оқсоқоллар Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар

«Оила» маркази раҳбари Гулнора Йўлчиева, филология фанлари номзоди, доцент Жамила Шермухамедова, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг «Қадрият» бўлими раиси, шарқшунос олима Муборак Юнусхўжаева, филология фанлари номзоди, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Азиза Зайнутдинова, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси мутахассиси, исломшунос Озодахан Тўлагановалар тумандаги фаол аёлларга мустақилликнинг ўзбек аёллари тақдирини тутган ўрни, Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»да аёл ҳақ-ҳуқуқлари, миллий ғоямизга ёт бўлган билъат ва хурофотларга қарши курашда аёлларнинг ўрни, бугунги кунда ҳар бир соҳада аёллар учун очилган кенг имкониятлар тўғрисида гапириб ўтишди.

Шунингдек, тадбир доирасида тумандаги тадбиркор ва ҳунарманд аёллар кўргазмаси ўтказилиб, унда зардушлик, ҳунармандлик ишлари намойиш этилди ҳамда маҳаллаларнинг ибратли оилаларига эсдалик совғалари топширилди. **Орзуғул РУСТАМОВА**

Президентимиз ташаббуси билан жорий йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинган, кишлоқ ва шаҳарларимизда маҳалла тизимини янада ривожлантириш борасида қатор хайрли ишларга кўл урилди. Айтиш лозимки бу борада бир қатор ютуқларга ҳам эришилди. Кўнгил - кўнгилдан сув ичди деганларидек, юртимизда кенг кулоч ёйиб бораётган ободчилик, фаровонлик, келажакка кўйилётган дадил қадамларнинг айнан Обод маҳалла йилида янги погоналарга кўтарилаётгани — оммавий ахборот воситаларида тер тўкаётган ҳамкасбларимизни илҳомлантириши табиий. Телевидение, радио ва матбуот сахифаларида, Обод маҳалла йилида янги меҳнат зафарларини кучайтган, фермерлик, тадбиркорлик соҳаларида мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли хисса қўшаётган фидойи юртдошларимиз ҳақида гапирилмоқда. Аммо...

МУЛОҲАЗА

Аммо, ютуқлар ва муваффақиятлар кишини қанчалик ҳайратга чўлғамасин, ҳали етарлича муаммолар ҳам мавжудлиги ҳаётий ҳақиқат. Маҳаллага ҳурмат, унда яшайдиган етти ёшдан етмиш ёшга кўнган инларга самимий муносабатда бўлиш кишидан ўзига хос маънавий қиёфага эга бўлиши талаб этади.

Оила... «кўпична унинг иқтисодий муаммолари қуршосида яшаймиз», юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг шакли-шамойили айнан оилда куртак ёзишини унутиб қўямиз. Собиқ Шўро даврида «Оила — жамиятнинг илгор бўғини» деган гап юрарди. Лекин амалда оила муаммоларига кўп ҳам эътибор берилвермас, аниқроғи унинг иқтисодий, молиявий имкониятлари «хисоб»га олинарди. Натижада отасининг пулига машина минадиган, уни кўз-кўз қилишдан гурурланадиган «янги ўзбеклар» шаклланди.

Ваҳоланки, ўзбекчиликда АНДИША деган туйғу бор. Шуниси эъти-

Миллий қадриятларга ҳурмат

барлики, бу туйғу фақат бизнинг миллимизгагина эмас, балки ўзини этник жиҳатдан таркиб тошган дея баралла айта оладиган барча халқларга хос.

Фикримиз исботини Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида олинган мана бу иқтибосдан қидирсак:

«...У киши (А.Қодирий кечарда тугилапти — Х.П.) кийим-кечак ваҳидан ҳам бизни ортиқча сийламас, эл-юрт қатори кийинтирган эдилар. Бир вақт, ҳали тевағимизда расм бўлмаган чоқда, мен велосипед ҳавас қилиб қолдим. Табиий, велосипед олдиришга бибимини восита қилдим. Шунда дадам дедилар:

— Велосипед олиб беришга оқчам бор, лекин олиб бермайман...

— Нега, болам?

— Айтгин-чи, ойи, ён-веримизда кимнинг боласи велосипед минаётми?

— Биров билан нима ишинг бор? — Тушунмайсиз... Кўпчилик билан

баробар бориш керак. Ҳабибулла велосипед минса, бошқа болаларнинг этник жиҳатдан таркиб тошган дея жанжал бўлади, сиз — мендан улар ранжийдилар...»

Мана, АНДИША! Абдулла Қодирийнинг юксак маънавий дунёсини қарангки, ўғлига велосипед олишга ийманади. Қолбукки, унда имконият ҳам, илож ҳам бор эди. Ҳўш, бугунчи? Бугун биз қай даражада, ажодларимиз қадрлаган туйғуларга, самимий муомала маданиятига нечоғли содиқимиз?! Яқинда кўнгилтортар дўстларимиздан бирини учратиб қолдим. Авваллари биз у билан борди-келди қилардик. Қозқ биродарларимиз айтмоқчи: «Сен же, мен же» деган гаплар бўларди. Хуллас, ундан кейинги вақтларда қанмамо бўлиб қолганининг сабабини сўрадим:

— Э, нимасини сўрайсиз, ошна, — деди у соддадиллик билан. — Биттагина хиёнимиз бор, денг. Поччанимиз уни ёшлигидан эркатой қилиб

ўстирди. Оқибатда у айтганини қилдирадиган, ўжарлигича қолди. Яқинда уйлантирмоқчи бўлдик. Отаси кўли қалтириб қилиб, «тунги баэмиранжийдилар...»

— Мана, АНДИШАСИЗЛИК! Ўз пушти камаридан бўлган фарзанд ўз отасига мушт ўқталса! Бу — розалат эмасми?! Халқимизда «Битта болага етти маҳалла ота-она» деган нақл бор. Савол тугилади: «Майли, ота-ку, кўнгилчанлик қилиб, фарзандини талтайтириб қўйибди, маҳалла-чи?! Нима учун ўз иш режасига эга маҳалла қўмиталари, ҳар бир оилаларга тарбия жараёни билан қизиқмайди?! Бунинг сабаби битта — локайдлик. «Менга нима», қолаверса «сенга нима» тарзида иш тутиш, узоқни кўра

билмаслик, ўз илдизимизга ўзимиз болта уриш билан баробардир.

Албатта, камчиликларни шунчаки санаб ўтиш, маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни дастак қилиб, замондан нолиш билан иш битмайди. Аввало, ҳар бир маҳалланинг ўз кутубхона фонди зарур. Негаки, китоб инсонни маънавий ва ақлий ўстирадиган, руҳий қомиллик сари етаклайдиган восита. Китоб ўқиган, ундаги маъномоҳиятни чин дилдан англаган, ҳаётнинг паст-баланд, ўнқир-чўкирлари ҳақида муайян тасаввурга эга боладан — ёвузлик, шафқатсизлик қутиб бўлмайди. «Қари билганини пари билмас», дейдилар. Оилада аниқроғи, маҳаллада кексалар билан тез-тез маърифий суҳбатлар ўтказиб турилса, фойдалан холи бўлмасди.

Умуман олганда, дунёда маҳалла тизими фақат биздагина мавжуд. Унинг истиқлол гоғларига мос халқ-шамойили; янги-ча қиёфасини яратиб халқимиз асрий қадриятларига ҳурмат бажо келтириш, шунинг баробарида келажакка мустақам пойдевор қуриш демакдир.

Ҳидирали ПАНЖИЕВ



ТАДБИРЛАР Оила маънавияти — келажак пойдевори

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, миллий ва маданий қадриятларни тарғиб этиш, ёшларни Ватанга садоқат ва эл манфаатларига хизмат қилиш руҳида тарбиялашда маҳаллаларнинг ўрни каттадир.


Куни кеча Ақмал Икромов туманидаги «Уриқзор» маҳалласида бўлиб ўтган бадний-мусликий анжуман — «Оила маънавияти — келажак пойдевори» деб номланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Ақмал Икромов туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ва «Уриқзор» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда маҳалла аҳолиси, тумандаги барча маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

— Маҳалламиз 1990 йилда ташкил топган, — деди тадбирда сўз олган «Уриқзор» маҳалласи оқсоқоли Раҳимжон Нодиров. — Ҳозирги кунда 8.000 дан ортиқ аҳоли, 1400 хонадон аҳил-иноқликда, элу-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўниш, келажакимиз эгалари бўлиши фарзандларимизни соғлом ва бақувват, ақдан баркамол қилиб тарбиялаш, айниқса Обод маҳалла йилида ҳудудимизни озода, саранжом-сарништа масканга айлантириш, аҳолининг ҳуқуқий саволдон, маънавияти юксак инсонлар қаторидан ўрин олишлари йўлида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, анжуманларни ўтказиб келмоқдамиз.

Шунингдек анжуманда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази раҳбари ўринбосари Ўткир Тоҳиров, Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари Васила Каримова, Ўзбекистон телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Омина Каримова ва бошқалар сўзга чиқиб, кексалар бибрати — ёшларга сабоқ бўлиши, юртимизда оилаларнинг ҳар томонлама муҳофаза қилинаётгани, инсон ҳуқуқлари, оила ва Конституция маззусларида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олдилар. Анжуманда таниқли санъат усталари ва ёш хонандалар, Хоразм вилояти бадний ҳаваскорлик ансамбллари ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар



барча дилларга қувончу илиқлик бағишлаб мазкур тадбирнинг узок вақт эсда сақланиб қолишига хизмат қилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Уриқзор» маҳалласида бўлиб ўтган бадний-мусликий анжумандан лавҳалар.

Козим Улмасов олган суратлар.



ИЗҲОР

Замонамдан ўргилай

Эрта-индин юртимизда катта байрам нишонланади. Энг азиз, энг улуг байрам. Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади. Ой-кунларнинг ёриллаб ўтишини қарангки, 12 йил ҳам ортда қолибди. Шу ўтган қисқа фурсат ичида озмунча юмушлар бажарилдими? Оллоҳга беадад шукрки юртимиз тинч, ҳамма бунёдкорлик юмушида. Ҳозирги авлодга ҳавас қилса арзийди. Ғайрат билан ишлаб, ўқитинг келайди. Ёшларимизга яратилаётган шарт-шароитларни кўрганда юракдан қувониб кетаман. Набираларимга ҳаммаша яхши ўқинглар, халқнинг хизматига бўлишлар дея насиҳат қиламан.



СУРАТДА: етти фарзанд, 17 нафар набиранинг меҳрибон мувожизаси, 35 йил халол меҳнат қилиб ҳозирда Хувайдо маҳалласида табаррук кексалик гаптини суратлаган Шарифа ая Мухсимова севики набиралари билан бирга.

Ҳақимжон Солиқов олган сурат. Илоҳим юртимизнинг тинч-лигига кўз тегмасин, она Ватанимиз ҳаммаша гуллаб-яшнасин. Қарияларни улуглаган, қадр-қиммат кўрсатган давлатимиз омон бўлиб, толе қуёшимиз ҳаммаша сарбаланд бўлсин. Юртимизнинг ҳар бир фуқаросига мустақиллик шодийнаси кутлуғ бўлсин. **Салима ЭГАМБЕРДИЕВА, пенсионер**

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Эъзоз ва эътиборга лойиқ

Обод маҳалла йилида маҳаллаларимиз тобора чирой очиб, хайрли мақсадлар йўлида ибратга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда маҳаллаларда олиб борилаётган эзгу юмушларга бош-қош бўлаётган маҳалла хотин-қизлар комиссияларининг ролини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунончи, маҳаллани ҳар томонлама обод ва фаровон масканга айлантириш, аёлларнинг жамиятда, оилда ўз муносиб ўринларини топишда комиссиялар олиб бораётган ишларнинг салмоғи каттадир.

Сергели туманидаги «Янги-ҳаёт» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раисаси Саида Комилованинг номини туманда ҳурмат билан тилга оладилар. Саидахон мана шу обрў-эътибор, ҳурмату иззатга тиришқоқлиги, ўз ишига фидойилиги, одамлар қалбига тезда йўл топа олиши билан эришиб келмоқда.

— Маҳаллада ёш қизлар, келинлар учун очилган, Оила маркази ва ундаги турли тўғарақларнинг мунтазам иш олиб бориши ёш қизларни оилага тайёрлашда катта аҳамият касб этмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли Ҳ. Абдуманнопов. —

Бундан ташқари маҳаллада содир бўладиган оилавий можароларнинг олдини олиш ва низолашиб қолган эр-хотинларнинг ярашиб, тинч-тотув ҳаётларини давом эттириб кетишларида ҳам Саидахоннинг ёрдами катта бўлмоқда.

Ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс эканлиги сир эмас. Оилавий спортни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳам маҳаллада ибратли юмушлар амалга оширилмоқда. Мунтазам олиб бориладиган ишлар натижасини маҳалладаги Дониевлар оиласининг туманда биринчи, шаҳарда эса иккинчи ўринни эгаллаганларидан ҳам билиш мумкин.

Ёшларнинг турли экстремистик гуруҳларга кириб қолишининг олдини олиш, ота-оналар ва вояга етмаган ўсмирлар, коллеж ва лицей ўқувчилари билан олиб борилаётган тарбиявий ишлари ҳам ибрат мисолида келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда 3 фарзанд ва 4 набирани оқ ювиб, оқ тараб, маҳалланинг барча юмушларида жон фидолик билан иш юритаётган Саидахоннинг ишларида янада ривож тилаб қоламиз. **Шаҳноза МАҲМУДУОВА**

САРХУМДОНИМ

Сархумдоним, сенга мафтун боқаман,
Соғинч ҳисси ила дилни ёқаман.
Мовий осмон, шу азиз юрт қўйинда
Гул-чечагинг қулогингга тақаман.

Канотсиз қуш каби сенсиз толаман,
Тушда кўрсан ҳамки илҳом оламан.
Сархумдоним, соябоним, посбоним.
Чунки сенинг чин фарзандинг бўламан.
Тўхтаҳужа МАҲМУДУЖАЕВ,
меҳнат фахрийси

Тошкентим — боғу бўстоним

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунки ҳар биримиз бир марта бўлса ҳам боғбонликка қўл урамиз ва ўтказган кўчатларимиз — дарахт бўладими ёки гул, ривожланиб ҳосилга киришини астойдил кутамиз. Шу боисдан ҳам шаҳар бош агрономи Лазоқат Исломованинг мутахассис сифатида бу борада келтирган изоҳлари ўринли бўлиши шубҳасиз.

Бирон-бир дарахт ёки усимлик углевод, водород, кислород, азот, фосфор, калий, кальций, олтингу-гурт, магний, темир моддаларисиз усмайди ва яхши ривожланмайди ҳам. Усимликлар томонидан ушбу моддалар катта қисмда ютилади, яъни улаштирилади, шу боисдан улар макромодалар дейилади (грекчада «макро» — катта). Лекин шундай кимёвий моддалар борки, улар усимликларга жуда оз миқдорда етарли бўлсада, аммо ҳаётини жараёни бир маромда кетишига таъсир кучи жуда самаралидир. Бу бор, марганец, мис, цинк, молибден, кобальт каби микромодалар ҳисобланади («микро» — кичик).

Озуқа моддаларининг асосий қисмини усимликлар ердан, яъни тупроқдан узига қабул қилиб олади. Водородни —

сувдан, кислород ва углеводни эса — ҳаводан олади.

Усимликлар асосан ушбу моддаларни суяқ қуринишда узига синглдиради. Ерга мавжуд бўлган ҳар бир озуқа моддаси сувда эритилиши лозим, акс ҳолда усимликнинг уни қабул қилиши қийин кечади.

ҲОСИЛ ГАРОВИ

Бу дегани ҳар бир кучатга биринчи галда сув зарур.

Бундан ташқари, усимликлар илдииз қисмининг озуқаланишига ҳаво, аниқроғи кислород керак. Тупроқ турли угит билан бойитилиши мумкин, лекин унда кислород етарли миқдорда бўлмаса, барча қилинган ҳаракат фойдасиздир.

Илдииз нафас олиб туриши учун углевод ҳам керак. Углеводни барглр ишлаб чиқаради. Аммо барглр ҳаёти илдиизларнинг сув ва озуқа моддаларини метёрида ва маромида қабул қилишига бевосита

боғлиқдир. Агарда усимликда барглр сийрак бўлса, улар органик моддаларини секин, кучсиз қабул қилса, илдииз ҳам тупроқда мавжуд бўлган озуқаларни узига яхши синглдира олмайди. Яъни илдииз ва барглр узаро мувофиқ бўлиши зарурлигини унутмаслик даркор.


Илдииз қабул қилган озуқанинг бир қисми шу заҳотиёқ оддий органик бирлашмаларга айланиб, барглр томон аста-аста сингиб боради. Усимликларнинг яшил лабораторияси ҳисобланган барглрда қуёш нурлари энергияси таъсирида (фотосинтез жараёни) илдиизлар томонидан қабул қилинган озуқалар мураккаб органик бирлашмалар ҳаракатига кирлади.

Усимликлар озуқа билан туғри таъминланиши учун дастлаб қайси пайтда қандай озуқада етишмовчилик борлигини кузатиш керак ва шунга қараб тақсимотни белгилаш лозим. Лекин шунини ҳам унутмаслик зарурки, метёридан куп озуқа моддаси усимликларга салбий таъсир курсатади. Шу билан бирга улар қанчалик моддаларга бой бўлса, шунча об-ҳаво инжиқликларига чидамли ва ҳашаротларга нисбатан ҳам қаршилиқ таъсири кучли бўлиб, яхши ривожланиб бораверади.

УСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ

Катальпа

Катальпа йирик дарахтлар турига кирди. Тез ўсади, бўйи 25-30 метргача чўзилганлари мавжуд.



Катальпанинг шохлари ёйма, барглари оч яшил рангли, катта-катта. Тўп-тўп бўлиб ок-сарик гуллаганида, кўриниши жуда чиройли бўлади. Катальпа шаҳар шароитида асосан май ойда гуллайди. Иссиқ ва қуруқликка ўта чидамли, газ ва бошқа зарарли чиқиндиларни кўтаришга мослашган. Шу билан бирга намликка ўч усимлик.


Катальпа иссиқ иқлимни хуш кўради. Катта ёшдаги лари-совуқка чидамли бўлса, ёш кўчатларни етиштириш жараёнида тез-тез совуқ уради. Аммо доимий жойга кўчирилганда қайта ўз ҳолига келади.

Табиатда катальпа дарахтининг тўрт тури мавжуд. Ўзбекистон иқлимида оддий, танаси гадир-будур нави кенг тарқалган. Айни пайтда давлат манзарали боғдорчилик ва гулчилик хўжалигида ватани Шимолий Америка бўлган катальпанинг чиройли деб ном олган тури етиштирилмоқда ва уни келажакда шаҳар яшил зоналарига мослаштириш кўзда тутилган. Унинг номи ҳақиқатан ўзига мос — чиройли катальпа тик ўсади, шу боисдан бўлса керак, у телеграф устунлари сифатида қурилиш соҳасида кенг фойдаланилади.

Катальпа уруғи орқали етиштирилади.

Липа

Манзарали дарахтларнинг бебаҳо турларига кирди. Шохлари юмалоқ, кўк бўлади. Соя жойларда ҳам яхши ривожланади. 200 йилдан кўп яшайди.



Ўзбекистон хусусан Тошкент шаҳри шароитида липанинг кенг тарқалмаганлиги ўрмон хўжаликларига қийин етиштирилиши билан боғлиқдир. Шундай бўлса-да, бизнинг иқлимга липа дарахтининг иссиқка чидамли бўлган кавказ ва кумуш турлари мос тушган.

Липа уруғи билан кўпайтирилади. Биринчи сепилган уруғларнинг кўп қисми қуёш нурида куйиб униб чиқмайди. Хўжаликларда асосан 3-4 йиллик кўчатлари етиштирилади.



Август — пайванд вақти

Руқига оид илгари бериб борилган мақолалардан бирида ёз чилласи ўтиб август ойи якунигача усимликлар танаси пўсти намга бой пайтда пайванд қилиш, яъни чапиштиришнинг қуртак усули қўлланилади, дейилганди. «Тошкентим — боғу бўстоним» саҳифасида доимий қатнашиб келаётган ҳаваскор боғбон Мухтор Муродов ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қуйида бу ҳақда батафсил тунушча берди.


Аслида турли мевали дарахтларни пайванд қилиш мумкин. Аммо ҳар бир дарахт ўз турига мос бўлиши, масалан, олмага олма, нокка нок, беҳига беҳи уланилиши лозим. Айрим ҳолларда биологик жиҳатдан яқин бўлган дарахтларни ҳам бир-бирига чапиштириш имкониятлари бор. Жумладан, беҳига нок, олчага гилос, тоғолчага олхўри пайванд қилинади. Бундан ташқари, мисол тариқасида бир туп олмага ба-

раварига унинг бир неча хилдан улаш мумкинлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Шуни ҳам такроран таъкидлаш жоизки, баҳорда ускуна пайванд усулида новдалар уланса, ёз сўнггида барглр пайванд қилинади. Қуртакка қуртак улаш дарахтлар турларини кўпайтиришнинг асосий усули ҳисобланади. Бунинг учун мевали дарахтнинг яхши ёки исталган туридан янги новдаси 30 сантиметрдан кам

бўлмаган узунликда кесилиб, ундан барг чўплари ажратиб олинади (4-5 миллиметр). Сўнг ўткир пичоқ билан пайванд қилинадиган дарахтнинг белгиланган қуртаги 4-5 сантиметр кесиб олиниб, ўрни Т ҳарфи кўринишида қирқилади ва бу нуқтага (суратга аҳамият беринг) тайёрлаб қўйилган барг чўпи киритилиб, полиэтилен ипи билан сиқмасдан боғлаб қўйилади. Уланган қуртак тепасидаги «кадрон» қуртаклар новдаси билан кесиб ташланади.

Қуртак усули билан асосан 1-2 йиллик кўчатларни пайванд этиш тавсия этилади. Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтиш лозим: пайванд қилинган дарахт ҳам, унга уланаётган қуртакнинг асоси ҳам соғлом бўлиши шарт.



Шарқ дурдоналари

Оз-Оз Урганлиб
Домо бўлур...

ФАРЗАНДЛАР
ОТА-ОНА ҲАҚИДА

● Болалар! Ота-онани ҳурмат қилиш, улар олдида адаб билан туриб, хизматларини бажариш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ота-оналарнинг ранжитадиган сўзлар айтишдан, кўнгилларини қолдирадиган ишлардан доимо сақланинг.

● Ақлли болалар ота-оналарини ҳурмат қилиб, кучлари етганча улар хизматида бўладилар. Ёмон сўз айтишдан, ачиққабиллик билан уларни саклайдилар. Ота-онага қандай хизмат қилиш ҳақида сизларга кичик бир мисол келтирамиз.

Бир киши кечаси уйқудан уйғониб ўғлидан «Сув бер», деб сўради. Ўғли сув олиб келгунча отаси яна ухлаб қолган эди. Ўғли: «Отам балки яна уйғониб сув сўра», деб ухламасдан отасининг уйғонишини кутиб тонг отунча ўтирди.

Мана болалар, адабли, тарбияли бола шундай бўлади. Ота-оналарингизни иззат-ҳурмат қилишга, уларнинг олқишларини олишга ҳаракат қилинг. Ҳар бир бола ота-онани қилган насиҳатларини жон қулоғи билан эшитиб, насиҳатларига ҳар вақт амал қилиши керак. Ота-онасига озор бериб, уларнинг дилларини оғритадиган бола бахтли бўлмайди.

Байт:
Истайсанким этмасин сенга бало,

Ота-онангга сира қилма жафо.
● Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.
● Умр — оқар дарё, ёшлик билан қарлик ўртаси ўта қисқа.

● Улуғлиқнинг белгиси кичикларга ҳиммат кўрсатмоқдир.

● Қариганинга ёшликдаги бутун куч-қувват беэвоёл ишга сарф бўлганини ҳис этишдан ортиқ бахт йўқ.

● Ёшлиқда нима эксанг, қариганинга шуни ўрасан.

● Кексаларни ҳурмат қил, устидан қулма, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартайасан.

Байт:
Ёшимсан, кексани сен

ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарирсан,

ҳозирдан ўйла.
Кексага кўмак бер —


суяган тоғинг,
Буни тушунарсан қариган

чоғинг.
● Азиз фарзандлар, ота-онангизни ҳурмат қилишни асло эсингиздан чиқарманг. Ота-онангизга қандай муомала қилсангиз, келгусида ўз фарзандларингиздан шундай муомалани кўришингиз аниқ.

Ҳикоят:
Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб, урганни кўрган одамлар, нафратланиб у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

— Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман. Йигитлик вақтида кунлардан бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб урган эдим. Отамга қилган адабсизлигим жазосини энди ўзим кўриб турибман. Отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшундай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, дилларини оғриқдирдим, у муборак зотлар мендан норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда, — деб ўқсиниб-ўқсиниб йилгади.

Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёшларини тўқди. Дарҳол отасини кучоқлаб ўлиб, ундан узар сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди. Унинг кўз ёшларини артиб, кучоғига олиб эркалади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган халқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олдилар.



Sevilliy
ШАҲРИМ

Тошкент шаҳар ҳокимияти
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
“Sevilliy Shahrim” ақшиси доирасида
“Пойтахт-бизнинг вигоҳимизда”
мавзусида энг яхши фотосуратлар
куриш-байрамини ташкил қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:

Кўҳна Тошкент;

Миллий қадриятлар;

Истиқлол нашидалари.

Фотосуратларни
Тошкент шаҳар, 700005,
Мовароуннаҳр кўчаси, 14
манзилига юборинг.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркум)
асар қабул қилинади, туркум ҳам
бир асардек қўрилади.

Энг яхши фотосуратлар
қилмайбаҳо совғалар ва дипломлар
билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ”
радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент”,
газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz

Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-33-03

Талабаларнинг Япония сафари

Япония Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳар йили ёз фаслида ташкил этиладиган бир ойлик ўқув дастурида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларидан ташриф буюрган талабалар япон тили бўйича ўз билимларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар. Мазкур дастур доирасида бу йил Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Самарқанд Давлат хорижий тиллар институти талабалари ўқув машғулларини ўтказишди.

Япониянинг «ОНК» телеканали ана шу лойиҳа ҳақида бир соатлик махсус кўрсатув тайёрлаб, уни эфирга узатди. Бир ойлик ўқув дастури якунларини ўз ичига олган кўрсатув асосан «Тинчлик ва инсонийлик» мавзусидаги ёшлар саммитига бағишланди. Унда ташқи дунёдаги ёшларнинг ўз тенгқурлари билан умуминсоний қадриятлар, тинчлик ва оқилоллик борасида ўзаро фикр алмашдилар. Саммит давомида хорижлик талабаларга япон тили ва маданиятини янада чуқурроқ ўрганишга имконият яратилди.

— Мен болалигимдан ўзбек

ва япон халқлари ўртасидаги ўхшашликларни ўрганишга қизиқиб келаман, дейди Тошкент қадриятлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлиши.

Шу билан бирга мамлакатимиз намоёндалари Оқоёма префектураси губернатори жаноб М.Иши қабулида бўлишди ва Ҳиросима шаҳридаги Тинчлик музейини зиёрат қилишди.

Японияга уюштирилган бир ойлик сафар талабалар учун маҳаллий халқ хунармандчилиги сирлари билан яқиндан танишиш имконини ҳам берди. Улар япон кулолчилик устаханаларида бўлиб, мазкур санъ-

ат асарларининг яратилишини яқиндан томоша қилишди. Кейин эса япон миллий таомлари ва ширинликларига оид ўқув машғулларида ҳам иштирок этишди.

Ўқув курси якунида талабаларимиз Оқоёма шаҳридаги етакчи ўрта мактаблардан бирини «Тинчлик ва инсонийлик» мавзусидаги ёшлар саммитида иштирок этиб, ўз мамлакатлари ҳақида батафсил сўзлаб беришди.

Кўрсатув низоҳисидида ўзбекистонлик талаба Ш.Шомуродов ўқув дастури ҳақида қуйидаги фикрларини изҳор этди:

— Мен япон тили ва маданиятини ўрганиш орқали келажакда Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман. Ишонманки, мавжуд муносабатларимиз бундан кейин ҳам мустаҳкамлашиб бораверади.

Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги,
Токио.

• АНЖУМАНЛАР

Энг улуғ байрамга бағишланди

Истиқлол байрами муносабати билан айна дамда юртимизнинг турли гушаларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан Юнусобод туманидаги «Нуронийлар» оромгоҳида «Мустақиллик муборак» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам Истиқлолимизнинг 12 йиллик шодёнларига бағишланди.

Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда иштирокчиларни туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ёқутхон Ражапова қутлаб, байрам тадбирини очиб берди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Унутилмас аъналар» фольклор ансамбли ижросидаги жозибали куй-қушиқлар, ашула ва рақслар иштирокчилар қалбига кутаринкилик бахш этди.

Шунингдек, тадбирда бирваркайига учта фарзанд қурган Ҳошимовлар оиласига ҳокимлик томонидан совға сифатида хонадон калити топширилди.

Ушбу бахтли оиланинг келажакдаги порлоқ фарзандларига тиланимиз улар доимо соғлом, маънан баркамол, ҳалқимиз корига яровчи инсонлар бўлиб улғайишсин.

Орзугул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Спорт

Эсдалик совгалари тошпирилди

Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалласида 10-14 ёшли болалар иштирокида шахмат, шашка, теннис бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган ушбу мurosасиз бахслар якунида шахмат бўйича Иззат Хусанов, Орзул Муродова, шашка бўйича Шухрат Мирзаахмедов, теннис бўйича Асрор Эрматов ва Иззат Хасановлар ғолибликни қўлга киритганликлари маълум қилиниб ғолибларга мутасаддиларнинг эсдалик совгалари тошпирилди.

Ташаббус сўнмасин

«Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими хайрли ташаббусни илгари сурди. Яъни «Камолот»чилар тумандаги маҳаллаларга ташриф буюришиб болалар ўртасида турли хил спорт тадбирларини уюштиришмоқда. Қизиғи, «Камолот»чилар ўзлари билан бирга спорт анжомларини ҳам маҳаллаларга олиб бормоқдалар. Кунни кеча тумандаги «Сезбор» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан болажонлар иштирокида спорт тадбирлари ўтказилди. Унда келажагимиз ворислари шахмат, шашка ҳамда аркан тортиш бўйича ўзаро беллашдилар. Муросасиз, қизикарли кечган мусобақаларда ҳар бир иштирокчига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов туман бўлими томонидан совгалар тошпирилди.

«Посбон» — турнир ғолиби

Ҳар йили Республика Ички ишлар тизимида хизмат қилаётган ходимлар ўртасида милиция генерал-майори, марҳум Комилжон Ғофуров хотираси соврини учун футбол турнири ўтказиш одат тусига кирган. Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Республика Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар жамоалари иштирокида шакллантирилган турнир Ички ишлар вазирлиги стадионида бўлиб ўтди. Муросасиз бахсларга бой кечган ушбу турнир якунида «Посбон» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Акбар Йўлдошев

«ТОШМАРҒЁ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚКАТИГА ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

Жамият тарафидан 2003 йил 25 августга белгиланган навбатдан ташқари Умумий мажлис ўтказилиши бекор қилинади. Маълумот учун телефонлар: 96-57-02; 96-49-31. **Кузатув кенгаши.**

Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан 2001 йил 15 январда Ибрагимов Талъат Илхамовичга берилган 71-сонли якка тартибдаги ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини берувчи № 0515895 рақамли гувоҳнома йўқонлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимияти
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
«Севимли шаҳрим» акцияси доирасида
«Озода шаҳар» тадбирини ўтказмади.
Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг бошловчилари иш олиб боришади.
Сиз ўз кўчангизни чиқинди-аҳлатлардан тозаланг!
Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали эфирга чиқиш имкониятига эга бўласиз.

Маълумотлар ТТВ телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», газеталарида.

Бизнинг Тошкент - озода шаҳар!

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Кўрғазмалар Тўйга тўёна билан

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами арафасида Темурийлар тарихи Давлат музейи жамоаси «Амир Темурнинг ҳаётидан лавҳалар» деб номланган кўрғазма ташкил этмоқда. Кўрғазмада таниқли рассомларнинг ижодига мансуб мозийни акс эттирувчи, тарихий воқеаларнинг сир-асрорларини кўрсатиб берувчи экспонатлар мавжуд.

1941 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тошмуҳаммад Қори Ниёзий бошчилигидаги давлат экспедицияси Гўри Амир мақбарасидаги Амир Темур, унинг ўғиллари Шохруҳ ва Мироншоҳ, набиралари Муҳаммад Султон ва Улуғбек қабрларининг ҳақиқийлиги, кўмиш урф-одатларини манбаларда келтирилган маълумотлар билан қиёбий ўрганиш мақсадида текширув ишларини олиб борган эди.

Шу изланишлар натижасида хилхоналардан топилиган ашёлар ушбу кўрғазмадан ўрин олган. Шунингдек, кўзга кўринган рассомларнинг қаламига мансуб санъат асарлари тўплами ҳам темурийлар даври тарихини ўзида акс эттиради.

Т.Миржалилов, В.Ринал, З.Фахруддинов, А.Жалилов, М.Нуриддинов, О.Мўминовлар қаламига мансуб асарларда Амир Темур ҳаётидан лавҳалар тасвирланган.

Мўйқалам ёрдамида яратилган ушбу нўбб, қайтарилмас санъат асарлари кўрғазмага ташриф буюрган томошабинларни ўзига ром этиши аниқдир.

Ўқувчи «Ўзбекистон тарихи» дарслигида берилган тарихий маълумотларга асосланиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидаги воқеаларни ўрганиб борган бўлса, музейда ташкил этилган

мазкур кўрғазмада таниқли рассомларнинг асарлари орқали ўтмишни кўзимиз билан кўришимиз мумкин бўлади. Масалан, А.Алиқулловнинг «Самарқанд бозори» асари узок тарих чархпалаги домига тортса, А.Жалиловнинг «Лой жанги» номли санъат асарида Амир Темурнинг уруш пайтидаги ҳолати, ғолиблик сари интиляётган дақиқалари тасвирланган. Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» китобида кўрсатилганидек, 1395 йилнинг 15 апрелида Терек дарёсида Амир Темур ва Тўхтамишхон кўшинларининг ҳаёт-мамат жанги бошланади. Бу жанг фақат Тўхтамишхоннинг тақдирини ҳал қилибгина қолмай, балки бутун Олтин ўрданинг ҳаётини белгилаб беради. Ана шу мозийнинг тарихий ҳақиқати А.Алиқуллов томонидан яратилган «Амир Темур Тўхтамиш билан жангда» шох асарига ифодаланган.

Тўйга тўёна билан деганларидек, музей ходимлари томонидан ташкил қилинган салобатли, мозийдан садо берувчи бу кўрғазма санъат илосмандларига тақдим этилади.

Амалга оширилаётган барча ишларимизнинг асосий мақсади ҳам буюк тарихимизни келажак авлодга етказиб беришидир.

Лобар Йўлдошева,
Темурийлар тарихи Давлат музейининг «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари.



— Отахон, килосига 150 сўмдан ортик бера олмаيمان.



— Кеп қолинг, сара узум!
Абдуракул Ҳакимов чизган расмлар.

Турфа олам СЎЗЛАШУВЧИ МАЙМУНЛАР

Бир неча йил мобайнида америкалик олимлар бир гуруҳ маймунарни кар-соқовлар тилида «гапиришга» ўргатишмоқчи бўлишган эди. Тажриба натижаси ёмон бўлмади. Шимпанзелар кўн-дан ортик сўздан фойдаланиб, одамлар билан «гаплаша олишган». Айрим турдаги маймунарлар сабоқни шундай ўрганиб олишганки, бу «сўзлашув» кўпларни хайратга солган.

Кунлардан бир кун шимпанзелардан бири кар-соқовлар тилидан фойдаланиб, «Менга қизил олманга бер» деган. Тажриба ўтказаятган олимлардан бири атайин маймунга сариқ берган. Шунда маймунинг жаҳли чиққан ва «Йўқ қизилни бер» дея «дўқ» ҳам урган.

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

80 ёшли Скотти Вульф ўзининг 27 марта уйланишининг 3 йиллигини зур тантана қилди, деб ёзади хорижий журналлардан бири. Чунки бу йил унга бахт қулиб боққан. Бундан уч йил муқаддам 14 ёшли филиппинлик кизга уйланишнинг муносабати билан Гиннеснинг рекордлар китобига тушган қария турмуш ўртоғининг 24 инчи билан ҳам ажрашгани тўғрисидаги хабарни ўқиб қолиб, америкалик отахонга ўз сурати билан унга турмушга чиқишга розилиги ҳақида хат беради. Аммо улар никоҳдан ўтишгач, бир йилдан зиёд арилиқ гирдобига мубтало бўлишади. Сабаби Дейзи 16 ёшга тўлмагунча Америкага бориш ҳуқуқи йўқ эди. Филиппин консуллари шунч тазооо этарди. Уз-ўзидан маълумки, америкалик кувёв ҳам ичкувёв бўлишни истамади. Фақат Дейзи балоғат ёшига етгач, сеvimли ёри васлияга 25 инчи хотин бўлиб эмас, балки 27 инчи хотин бўлиб етишди. Сабаби Вульф бу борада яна 2 марта уйланиб ажрашишга улгурган эди.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулсида босилади.
4204 нускада босилди. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамли билан рўйхатда олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинишигиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-маънави акциядорлик компанияси босмаханона.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.